

STUDY OF HIV AND PSYCHOLOGICAL CARE FOR HIV-INFECTED PATIENTS IN FOREIGN COUNTRIES, RUSSIA AND UZBEKISTAN

Karimjonova Yokutkhon FarDU

Teacher of the Department of Psychology

Yokutkhon_1986@mail.ru

Abstract: The article states that HIV care is provided to adolescents and is being studied in Russia and Uzbekistan.

Keywords: Teenager, child, HIV, life, health, kindness, help, spiritual

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ВА ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ БЕМОРЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ХОРИЖ, РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ.

Каримжонова Ёкутхон ФарДУ

психология кафедраси ўқитувчиси

Yokutkhon_1986@mail.ru

Аннотация : Мақолада ОИВ инфекцияси мавжуд ўсмирларга ёрдам кўрсатиш ва уни хориж мамлакатлари Россия ва Ўзбекистон худудида ўрганилиши баён этилган.

Калит сўзлар : ўсмир ,бола,ОИВ,хаёт,саломатлик,мехр,ёрдам , маънавий

Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятлари асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида кўплаб қарорлар қабул қилинган ва улар тасдиғи сифатида бир қанча ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаган “Соғлом авлод” дастурида соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга, давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга ҳамда болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга катта эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 январ 2018 йил чиққан “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш соҳаларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишларни олиб борсин, илмий ва инновацион тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилишини таъминласин” деб таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22 июнь 2018 йилдаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ОИВ-инфекциясини профилактика ва диагностика қилиш, уни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришнинг асосий

йўналишлари этиб белгиланди. Ушбу қарорда ОИВни юқтириб олган шахсларни комплекс тиббий ва психологик қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш банди алоҳида кўрсатилиб ўтилди.

Юқоридаги қарор ва таклифларга асосланган ҳолда ОИВ инфекцияси бор ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатиш ва ОИВ инфекцияли беморларга психологик ёрдам кўрсатишда Хориж, Россия ва Ўзбекистонда қилинган ишлар ўрганилиб, кўриб чиқилди.

ОИВ инфекцияси – инсон организмиде вируснинг борлиги, аммо касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Бундай инсон вирус ташувчи ҳисобланади. ОИТС – касалликнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бу даврда инсон организми ҳар қандай касалликка бардош бериш хусусиятини йўқотади. Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми вируслар қўзғатадиган, асаб тизимини издан чиқарувчи ва организмда иммунитет етишмай қолиши, шунинг оқибатида ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши ҳамда хатарли ўсмалар ривожланиши билан таърифланадиган хавфли юқумли касалликдир.

ОИТСнинг яширин даври жуда давомлидир. Вирус билан зарарланган вақтдан бошлаб, касалликнинг дастлабки белгилари бошлангунча бир неча йил ўтади. Шу вақт ичида эса зарарланган шахслар ўзларини соғлом деб ҳисоблаб, вирусни бошқа одамларга ҳам юқтириши мумкин.

Франциялик олим Люк Монтанье биринчи марта ОИВ инфекциясини кашф қилди. У кўплаб тиббий тадқиқотлар олиб борди. Бундай инфекцияси бор беморлар билан ишлаганида у инсон психикаси катта аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган.

Яна бир франциялик олим Э.Фаучи ўзининг изланишларини ОИВга чалинган одамларга психосоциал ёрдам бериш устида олиб борган. У кўпроқ болалар билан ишлаган. Энтони Фаучининг таъкидлашича, психологик хизматларнинг сифатини юқори бўлишлиги ва оилада ҳам позитив муҳитнинг барқарорлиги ОИВ инфекцияли болаларни келажакда яхши томонга ўзгаришини, аксинча салбий муҳит ушбу болаларнинг соғлом одамларга нисбатан нафрат туйғуси билан катта бўлишига олиб келади. Айниқса, бу ҳолатлар ўсмирлик ёшида авж олишини, чунки ўсмирлик даврида болаларнинг қалбида ҳис-туйғулар пайдо бўлиши, севиш ва севилиш каби туйғулар ғалаёни бошланиши уларни статуси борлиги учун жамиятдан ажраб қолишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳам айтиб ўтилган.

АҚШлик олим Роберт Галло раҳбарлигидаги АҚШдаги саратон касаллиги миллий институтидан ОИТС хасталиги институти ажратиб олинди. Роберт Галло ОИВ устида кўплаб тиббий тадқиқотлар олиб борган. У ўз тадқиқотларида психологик хизматнинг ўрни саратон касаллигини даволанишида қанчалик муҳим ўрин тутса, ОИВ инфекцияли беморларни ҳаётий жараёнларини яхшиланишида ҳам шунчалик аҳамиятлилигини ёритиб берган.

Яна бир тадқиқотлари натижалари ва изланишлари билан машҳур бўлган рус олимларидан Алексей Валентинов ОИТС ва саратон касалликлари бўйича илмий изланишлар олиб борган. У илмий изланишларида шундай таъкидлайди, “ОИВ ва ОИТСга чалинган беморларни руҳий ҳолатини яхшилашда ижтимоий муҳитнинг ижобийлиги ниҳоятда муҳим. Позитив ижтимоий муҳит ва ижобий психологик маслаҳат ва тавсиялар одам онгига чуқур сингади, натижада бу одамлар ўз позитив фикрлари қуршовида бўлиб ташқаридан келадиган ҳар хил ахборотларга диққатини бўлавермайди. Руҳияти доим тетик ва бардавом бўлади, бу эса одам иммунитетини юқори даражада ушлаб туришнинг самарали воситаси ҳисобланади. ОИВлар учун иммунитет биринчи навбатда муҳим восита”.

Ўзбекистонлик олим Т.Даминов ОИВ инфекцияси бўйича ўтказган тадқиқот ишларида шуни таъкидлайдики, “ОИВ инфекцияси ғоят хавфли инфекциялардан ҳисобланади. ОИВ инфекцияни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунда РВҚТ (Ретровирусга қарши терапия) дорилари ёрдамида инсон умрини 70 йилгача узайтириш мумкин. Лекин РВҚТни ўзи керакли даражада самара бермайди. РВҚТ билан биргаликда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, соғлом жинсий ҳаёт муҳитини яратиш ва одамнинг ижобий кайфиятда бўлишлиги муҳим компонентлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ОИВ билан хасталанган одамларга ўз вақтида РВҚТ етказиб бериши билан бир қаторда, ижтимоий муҳитга ҳам етарли даражада эътибор қаратилиши лозим”.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори, академик Н.Атабеков ОИВ инфекциясини устида кўплаб тажриба ишлари ўтказди ва ОИВ инфекцияли одамлар билан ишлаш учун керакли қўлланмалар яратди. Унинг фикрича аввало, инсон онгида фикрлар соғлом бўлиши лозим.

Соғлом турмуш тарзи, соғлом муҳит, қўллаб-қувватловчи оила аъзоларининг борлиги ва ижобий муҳитнинг барқарорлиги ОИВ инфекцияли беморларга аъло даражада фойда беради. Вилоят марказларида фаолият юритаётган ижтимоий ходимлар ҳамда психологларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Уларга керакли барча шарт-шароитларни яратиш барча вилоятларда йўлга қўйилиши керак. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли жуда кўп ОИВга чалинган одамларни суицид ҳолатидан, бошқаларга қасддан юктириш ҳолатларидан ва эсдан оғиш (энцефалопатия) ҳолатига тушиб қолиши мумкин бўлган вазиятлардан сақлаб қолиняпти. Шунинг инсонларга соғлом фикрлаш тарзини ёритиб берувчи психологларнинг иш фаолиятини кенгайтириш учун керакли ёрдам чораларини қўллаш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Профессор М.Хаджибеков ҳам ОИВ инфекцияси бўйича бир қанча ишлар олиб борган. У ўз тажриба ишларини хулосаларига кўра шундай фикр билдиради : “Бутун жаҳонни ташвишга солаётган ОИВ/ОИТС муаммолари Ўзбекистонда ҳам глобал муаммога айланмоқда. Йилдан-йилга ОИВ инфекцияси бор одамлар сонининг ўсиши, айниқса, 18 ёшгача бўлган болаларда бу вируснинг аниқланиши ачинарли ҳолат. ОИВ инфекцияли беморларни даволаш ишларини олиб боришда тиббиёт ходимлари билан бир қаторда психологларнинг ҳам изланишларига эҳтиёжимиз катта. Аввало, ОИВга чалинган болаларни ҳаётий жараёнларини яхшилаш учун психолог ходимларимизни керакли нарсалар билан таъминлашимиз ва уларни самарали ишлаши учун барча шароитлар кўрилиши керак. Чунки ижобий муҳитнинг яратилиши болаларни ҳаётини турли вазиятлардан асраб қолади ва салбий муносабатларга киришиб кетишининг олдини олади”.

ОИВ инфекцияси бор одамларга, хусусан, болаларга тўғри психологик ёрдам кўрсатиш жамиятимиз илдизларини соғлом бўлишига ёрдам беради. Барча касалликларда, айниқса, саратон хасталиклари ва ОИВ инфекцияси бор одамларни даволашда психологиянинг роли катта эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. ОИВ инфекцияси бор беморларни даволаш жараёнларида РВҚТ дорилари ишлаб чиқилгани катта ютуқ ҳисобланади. Лекин ушбу дорилар вирусни фақатгина ўз қобиғида сақлаб, кўпаймаслиги таъминлашини ҳисобга оладиган бўлсак, РВҚТ билан биргаликда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш ҳамда ижтимоий муҳитнинг ижобий, позитив шаклланганлиги инсон умрини РВҚТ ичишни бошлагандан вақтдан бошлаб 70 йилгача узайтириши мумкин.

Ижтимоий муҳитнинг позитив тарзда шакллантиришда Республикаимизнинг барча вилоятларида жойлашган ОИТС марказларининг ижтимоий иш ходимлари ва мутахассис психологларининг иш фаолиятлари самарадорлиги юқори натижалар беради. Инсонларда илиқ барқарор кайфиятни ҳосил бўлишида, уларни психикасидаги турли салбий фикрлар қуршовидан чиқариб олиб, ҳаётнинг гўзаллигини кўрсатиб бера олиш, яшашга бўлган интилишини кучайтириб, мотивациялар беришда ОИТС маркази психологларига тажриба синовларидан ўтган қўлланма ва дастурлар самарадорлиги ниҳоятда аҳамиятлидир.

Адабиётлар

1. “Соғлом авлод Давлат дастури” ЎзРес. Вазирлар Маҳкамасининг 15. 02. 2000 йил 46-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори 25 январ 2018 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 22 июнь 2018 йил
4. Эпидемиология. О.М.Миртазаев, Л.П.Зуева, Г.С.Матназарова. Тошкент-2016 йил
5. Андреева Г.М. Ижтимоий билиш психологияси. М., 2000 йил.
6. Замонавий дунёда ижтимоий психология. / Ед Андреева Г.М. - Донтсова А.И. М., 2002 йил.